



«ТУРКИСТОН» ХУСУСИЙ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

**ХАТБ Акциядорлар умумий йиғилишининг
2016 йил 17 июндаги қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”
__-сонли баённома**

**«ТУРКИСТОН» ХАТБ ДИВИДЕНДЛАР СИЁСАТИ
ҲАҚИДА НИЗОМ**

Тошкент – 2016 й .

МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	3
II. ДИВИДЕНДЛАР МИҚДОРINI БЕЛГИЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ	4
III. ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.....	6
IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК	7
V. АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ ТАРТИБИ.....	8
VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР	8

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. «Туркистон» ХАТБ Дивидендлар сиёсати ҳақидаги мазкур низоми (кейинги ўринларда «Низом») Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги, «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялашга қарши ички назорат қоидалари» (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 21.11.2013 й.да 2528-сон билан рўйхатга олинган), «Туркистон» ХАТБ (кейинги ўринларда «Банк») Устави, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлиги ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 31.12.2015 й.да 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси ҳамда Банкнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Ушбу Низомда Банкнинг дивидендлар сиёсатида ақс этириладиган ва ошқор этиладиган умумий масалалар келтирилади.

2. Банк дивидендлар сиёсати акциядорлар фаровонлигини ошириш ва Банк капитализацияси ўсишини таъминлашга йўналтирилган. Низомнинг мақсади акциядорлар ва бошқа манфаатдорлар шахсларни Банк дивидендлар сиёсати ҳақида хабардор этишдан иборат.

Мазкур Низом Банк Кузатув кенгашининг акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсияларни ишлаб чиқишга ёндашуви учун мўлжалланган.

Агар Банк акциядорларига дивидендлар тўлаш билан боғлиқ бирор-бир масала Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида» Қонуни меъёрлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъерий ҳуқуқий ҳужжатлари, Банк устави ҳамда ушбу Низом билан тартибга солинмаган бўлса, улар акциядорлар ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш зарурлигидан келиб чиқиб ҳал этилади.

3. Банк дивидендлар сиёсати ҳар йилги асосда ишлаб чиқилади.

4. Банк капитализация ўсишини Банк акцияларидан даромадлар олиш бўйича акциядорларнинг мулкӣ манфаатларини қаноатлантириш асосий усусли сифатида кўриб чиқади. Дивидендлар сиёсати акцияларнинг бозор қийматини ошириш мақсадида Банк томонидан олинган фойданинг сарфланадиган ва капиталлаштириладиган қисмлари ўртасидаги мутаносибликларни энг мақбул даражага етказишдан иборат бўлади.

5. Банк дивидендлар сиёсати қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

ошқоралик тамойили, дивидендлар сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи томонлар мажбуриятлари ва жавобгарлиги, шу жумладан, дивидендлар тўлаш ва миқдори ҳақида қарор қабул қилиш тартиби ҳамда шартлари ҳақида ахборотни белгилаш ҳамда ошқор этиш тушунилади;

Ўз вақтидалик тамойили, дивидендлар тўловларини амалга оширишда вақт чегараларини белгилаш тушунилади;

асосланганлик тамойили, дивидендлар тўлаш ва миқдори ҳақида қарор фақат Банк томонидан ижобий молиявий натижага эришилган тақдирдагина Банкнинг амалдаги молиявий аҳволдан келиб чиқиб унинг ривожланиш режалари ва инвестиция дастурларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши мумкинлиги тушунилади;

адолатлилик тамойили, дивидендлар тўлаш, миқдори ва тўлов тартиби ҳақида қабул қилинаётган қарорлар ҳақида ахборот олиш юзасидан акциядорларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлаш тушунилади;

изчиллик тамойили, дивидендлар сиёсати тадбирлари ва тамойиллари катъий ижро этилиши тушунилади;

ривожланиш тамойили, корпоратив бошқарув тадбирларини яхшилаш доирасида дивидендлар сиёсатини мунтазам равишда такомиллаштириш ҳамда Банк стратегик мақсадлари ўзгариши муносабати билан унинг қоидаларини қайта кўриб чиқиш тушунилади;

барқарорлик тамойили, Банкнинг дивидендлар тўловлари барқарор даражасини таъминлашга интилиши тушунилади.

6. Жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ҳақида қарор (эълон) қабул қилиш Банкнинг ҳуқуқи ҳисобланади. Акциядорлар умумий йиғилиши акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ёки тўламаслик ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

7. Эълон қилинган дивидендларни тўлаш Банк мажбурияти ҳисобланади.

Дивидендлар тўлаш билан боғлиқ харажатлар (шу жумладан, солиқларни ҳисоблаш ва чегириб қолиш, дивидендларни ўтказиш бўйича харажатлар, почта харажатлари) бошқарув органлари қарорига кўра дивиденд олувчи акциядор зиммасига юкланиши мумкин эмас. Банк ушбу мажбуриятнинг бажарилмаслиги учун акциядорлар олдида Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

Дивидендлар қуйидаги акциялар бўйича ҳисобланмайди ва тўланмайди:
жойлаштирилмаган;

Банкнинг ўзи сотиб олган ва/ёки қайта сотиб олган;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

8. «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида» Қонуннинг 54-моддаси биринчи қисмида кўзда тутилган ҳолатларда Банк акциялар бўйича дивидендларни тўлаш ва дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

II. ДИВИДЕНДЛАР МИҚДОРINI БЕЛГИЛАШ ВА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

9. Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор (эълон) қабул қилишга ҳақли, 8-бандда кўрсатилганлар бундан мустасно.

10. Молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

11. Дивидендлар Банкнинг Банк тасарруфида қоладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Банкнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин. Бунда дивидендлар ўз вақтида тўлаш ва дивидендларни тўлаш учун маблағларнинг муомаладан чиқариб олиниши туфайли Банк молиявий аҳволи ёмонлашишининг олдини олиш мақсадида Банк томонидан Банк фойдаси ҳисобидан ишончсиз дебиторлик қарздорлиги бўйича захира ташкил этилади.

12. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор Банк акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Банк кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилишига акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар тақдим этади. Дивидендларнинг миқдори Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

13. Акциядорлар умумий йиғилишининг дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) ҳақида қарорига кўра қуйидагилар белгиланиши лозим:

дивидендлар тўланадиган (эълон қилинадиган) акциялар тоифаси (тури);

муайян турдаги битта акция ҳисобида дивиденд миқдори;

дивидендлар тўлаш муддати, тартиби ва даврийлиги.

Бунда Банк қонунчиликда белгиланган ҳолатларда, шунингдек, қонунчиликда белгиланган муддатларда оддий акциялар бўйича дивидендларни тўлиқ тўлаш имконияти бўлмаганда дивидендлар ҳисоблаш (тўлаш) ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

14. Акциялар бўйича Акциядорлар йиғилишига тавсия этиладиган дивидендлар миқдори қуйидаги омиллардан келиб чиқиб, Кузатув кенгаши томонидан белгиланади:

ишончлиги аудиторлик хулосаси билан тасдиқланган молиявий ҳисоботлар маълумотларига мувофиқ соф фойда миқдори;

Банкнинг келгуси даврлардаги молиявий-хўжалик режалари;

тегишли давр ниҳоясидаги Банк айланма маблағлари тузилмаси;

тегишли давр ниҳоясидаги Банк қарз юки.

15. Дивидендларнинг тавсия этилаётган миқдорини белгилашда Кузатув кенгаши Банкнинг келгуси даврлардаги молиявий-хўжалик режаларини, Банк айланма маблағлари ва мажбуриятларининг жорий ва истиқболдаги ҳолатини инобатга олиши керак. Кузатув кенгаши томонидан Банк акциядорлар умумий йиғилишига тавсия этиладиган дивидендларни тўлаш Банк томонидан қўшимча қарз молияланиши жалб этилишига ёки келгуси даврлар учун тасдиқланган молиявий-хўжалик режасида кўзда тутилмаган бошқа харажатларга сабаб бўлмаслиги лозим.

III. ДИВИДЕНДЛАРНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

16. Банк дивидендларни пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд Банкнинг қимматли қоғозлари билан тўлайди. Эълон қилинган дивидендлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида тўланади ёки Банк Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошладиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисобварағига ўтказиб бериши шарт.

17. Дивидендларни тўлаш муддати Банк акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгиланади ҳамда акциядорлар умумий йиғилиши томонидан дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим.

18. Агар Банк қимматли қоғозлари эгалари акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатларда ҳисобланган дивидендларни ололмасалар, Банк бундай (талаб қилиб олинмаган) дивидендларни тўлашни давом эттираверади. Талаб қилиб олинмаган дивидендларни тўлаш даври Банк томонидан эълон қилинган дивидендларни тўлаш бўйича мажбуриятнинг ижро этиш муддати тугалланган санадан эътиборан уч йилдан ошмаслиги лозим.

19. Банкнинг айби билан акциядорлар умумий йиғилишида белгиланган муддатларда тўланмаган (олинмаган) тақдирда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган қайта молиялаш ставкасидан келиб чиққан ҳолда тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича пеня ҳисобланади. Тўланмаган (олинмаган) дивидендлар бўйича пеня миқдори тўланмаган (олинмаган) дивидендлар суммаси 50 фоиздан ошмаслиги лозим.

20. Банкнинг акциядорлар билан ишлашни ташкил этувчи ва юритувчи таркибий бўлинмаси Банк бухгалтерияси билан ҳамкорликда ушбу Низомда кўзда тутилган дивидендларнинг Банк томонидан тўланишини ташкил этиш бўйича барча тадбирларни тайёрлаш, мувофиқлаштириш ва олиб бориш амалга оширилади.

21. Исталган акциядор Банкка акциялар бўйича дивидендларни ҳисоблаш тартиби, дивидендлар суммасини ҳисоблаш ва солиққа тортиш

тартиби, тўлаш шартлари ҳақида ахборот тақдим этилишини сўраб мурожаат этишга ҳақлидир.

22. Акциядорларга дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилинган акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорлари реестрида қайд этилган шахс акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

23. Акция улушли эгаликда бўлган тақдирда дивиденд акциядорлар ўртасида уларнинг улушига мутаносиб равишда белгиланган тартибда тақсимланади.

24. Акциядор унинг акциялари бўйича ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачиси ва /ёки Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсини ўз маълумотлари ўзгаришлари ҳақида ўз вақтида хабардор этиши лозим. Акциядор томонидан ўз маълумотларини ўзгариши ҳақида ахборот тақдим этилмаган тақдирда Марказий депозитарий ва/ёки унинг акциялари бўйича ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачиси акциядорга шу билан боғлиқ етказилган зарарлар учун жавобгар бўлмайди.

25. Агар акциядор ўз банк реквизитлари ёки дивидендларни ўтказиш учун манзилни нотўғри кўрсатган, ёхуд Банкка кўрсатилган реквизитларни маълум қилмаган, ёки улар ҳақида ўз вақтида хабар қилмаган тақдирда Банк бу билан боғлиқ етказилган зарарлар учун жавобгар бўлмайди. Банкка акциядорнинг айби билан ушбу бандда кўрсатилган сабабларга кўра нотўғри ўтказилган дивидендлар суммалари қайтарилганидан сўнг уларнинг аниқлаштирилган реквизитлар бўйича акциядорга ўтказилиши уларни қайтариш ва такрорий ўтказиш харажатлари чегириб қолинган ҳолда амалга оширилади.

26. Банк акциядорларга уларга тегишли акциялар бўйича даромадларни тўлашда солиқ агенти ҳисобланади ҳамда ҳисобланган дивидендларни тўлашни Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигида белгиланган қимматли қоғозлар бўйича даромадлар солиқларини чегириб қолган ҳолда амалга оширади. Солиқ солишнинг стандарт ставкалари қўлланилмайдиган акциядор Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигида белгиланган тасдиқловчи ҳужжатларни Банкка (у жалб этган Тўлов агентига) тақдим этади.

IV. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

27. Банк ҳар бир турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

28. Дивидендларни тўлашда акциядорларнинг ҳеч бири тўловлар муддатлари бўйича устунликларга эга эмас.

Оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларнинг Банк томонидан тўланиши акциядорларнинг дивидендлар олиш бўйича тенг ҳуқуқларига риоя

этилган ҳолда амалга оширилади. Бунда Банк, агар тўлаш натижасида миноритар акциядорларга белгиланган муддатларда дивидендлар тўланиши таъминланмайдиган бўлса, йирик акциядорга дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

29. Банкнинг ижро органи Банк акциядорларига дивидендлар тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши учун жавобгар бўлади. Ижро органи фаолиятини назорат қилиш Банк Кузатув кенгаши томонидан Банк тафтиш комиссияси билан ҳамкорликда амалга оширилади.

30. Ҳисобланган дивидендлар тўланишини таъминлаш мақсадида кузатув кенгаши ўз мажлисларида дивидендлар тўланишининг бориши ҳақида масалани кўриб чиқади. Банкнинг ижро органи айби билан дивидендлар тўлиқсиз ёки кечикиш билан тўланган тақдирда кузатув кенгаши айбдор шахслар жавобгарлиги чораларини белгилайди ҳамда тегишли жазоларни солади ёки жазо солиниши ташаббуси билан чиқади.

31. Банк томонидан ўз мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда акциядорлар ҳар бир турдаги акциялар бўйича эълон қилинган дивидендлар тўланишини суд тартибида талаб қилишга ҳақлидир.

32. Дивидендлар солиғи суммаларини чегириб қолиш ва ўтказиш бўйича солиқ агенти сифатида Банк зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаганлик ёки тегишлича бажармаганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

V. АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ ТАРТИБИ

33. Ушбу Низом, шунингдек, унга кириладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар Банк томонидан Интернет тармоғидаги унинг корпоратив веб-сайтида тегишли қарор қабул қилинган Банк бошқарув органи мажлисининг баёнмаси имзолангандан сўнг ўн кун ичида ошкор этилади.

34. Акциядорлар умумий йиғилишида дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилинганда Банк қонунчиликда белгиланган муддатларда мавжуд ҳолатлар ҳақида хабарларни ошкор этади. Бунда Банк томонидан акциядорларга уларга дивидендлар ҳисобланганилиги ҳақида электрон почта орқали хабарнома юборилади.

35. Банк томонидан дивидендлар тўлаш бўйича ўз вазифалари бажарилганда Банк қонунчиликда белгиланган муддатларда мавжуд ҳолатлар ҳақида хабарларни ошкор этади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

36. Ушбу Низом, шунингдек унга киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

37. Ушбу Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар Банк кузатув кенгаши, Банк тафтиш комиссияси аъзолари, Банк ички аудит хизмати аъзолари, Банк ижро органи раҳбарлари тақлифига кўра киритилади.

38. Агар ушбу Низомнинг алоҳида моддалари Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги ва/ёки Банк Уставига зид ҳолатга келса, бу моддалар кучини йўқотади ҳамда ушбу Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилганига қадар ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар борасида Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги меъёрлари ва/ёки Банк Уставига амал қилинади.